



ИШОНЧ

45

1994
йил
5—11
ноябрь
(187)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов давлатга пахта топириш йиллик режасини бажарган Бухоро ва Наманган вилоятлари пахтакорларига, қишлоқ хўжалик ходимлари ва барча меҳнаташларига табриқнома йўллади.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизнинг кекса насларидан бири — “Овози тожик” газетасининг 70 йиллиги муносабати билан унинг жамоасини ва барча муштарийларини самимий табриқлади.

• **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** Республикаси Жўғори Кенгесига сайлов ўтказувчи Марказий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда сайловга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

• **ТОШКЕНТДА** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлиб ўтди.

ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов партия ташкил топганига 3 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг қурултой қатнашчиларига, шунингдек, партиянинг барча аъзоларига билдирган самимий тилақларини ётказди.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди сиёсий дастурини қабул қилдилар. Республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Қурултойда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг аъзоси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов ва Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлаганов иштирок этди.

• **ТОШКЕНТДАГИ** Киночилар уйда “Ватан тараққиёти” партиясининг навбатдан ташқари иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унинг ишида партиянинг туман, шаҳар, вилоят ташкилотларидан сайланган 300 нафар делегат ва меҳмонлар қатнашди. Қурултойда “Ватан тараққиёти” партияси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Йўлдошев партия раиси этиб тасдиқланди.

Қурултойда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ шу йилнинг 25 декабрида бўладиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

• **ИСРОИЛ** давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моше Гец, Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Валид Масжид Ас-Саад Ал-Батайних, ҳамда Албаниянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Арбен Панди Цици мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовга ишонч ёрликларини топширдилар.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аҳолига бериладиган ҳар ойлик компенсация тўловлари шу йилнинг 1 ноябрдан бошлаб 1,5 барабар кўпайтирилди ва 100 сўмдан 150 сўмга етказилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШнинг “Дановат Энтэрпрейзис” компанияси раиси В. Б. Дановат раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.


• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида кўра О. Орифов, Н. Зокиров, П. Охунов, И. Турсунов, С. Умурзоқовлар авф этилиб, жазони ўташдан озод этилдилар.

• **ЎЗБЕКИСТОН** кимё-саноати корхоналари ассоциацияси Андижон биокимё заводининг биринчи навбати ишга тушди. Бу завод йилига халқ хўжалиги учун зарур бўлган бир миллион декалитр этил сирти ишлаб чиқаради.


• **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг тилшунослик институтида давлат тили тўғрисидаги қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва ўзбек атамашунослиги масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси хоразмлик буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд Аз-Замаҳшарийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **БУХОРО** шаҳрида хусусийлаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.



МЕҲНАТДАН ҒУРУР, ЗАҒАРДАН СУРУР



ИСТИҚЛОЛ сари дадил бораётган юртимизда аҳиллик, иноқлик қарор топганлиги, иқтисодий ислохотлар ривожига катта ҳиссалар қўшаётганлиги деҳқонларимизнинг оддий тупроқдан оқ олтин ундириб, бу йилги оламшумул ғалабаларни қўлга киритаётганларидан ҳам яққол кўзга ташланиб қолди. Кунги кеча республикамизда биринчи бўлиб маррага етган Қашқадарё, Хоразм, Андижон вилоятлари эл олқишига сазовор бўлган бўлса, уларнинг кетидан Бухоро, наманганлик пахтакорлар ҳам йиллик режаларини ошириб бажариш билан юзлари кундай ёруғ бўлди. Эл хирмонига 280 минг тоннадан зиёд бебаҳо бойлик етказиб берган Наманган далаларида 185 мингдан ортиқ теримчи, минглаб шаҳарлик теримчилар йиғим-теримга бир жону бир тан бўлиб қатнашиб,

ҳамжиҳатлик, уюшқоқликнинг афзалликларини рўй-рост намойиш этдилар. Вилоят муваффақиятига муносиб ҳисса қўшган Чортоқ, Норин, Наманган, Задарё, Учқўрғон, Поп туманлари хўжаликларидан ҳар гектар ердан 38-45 центнердан ҳосил олинди. Бу нақадар катта зафардир. Айниқса, Норин, Задарё тумани хўжаликларидан тайёрланган пахтанинг 65-80 фоизи фақат машиналарда териб олинганлиги замонавий техниканинг афзаллигидан далолатдир. Мавсумда 180-220 тоннадан пахта теришга эришган Задарё тумани “Гулбоғ” жамоа хўжалиги механизатори Холдорали Қораев, Норин туманидаги “Катта ўлмас” хўжалиги механизатори Убайдулло Қорабоев, Поп тумани, “Қўштепа” жамоа хўжалигидан Мирзавали Жўраев сингари пўлат от суворийлари шунингдек, вилоятда биринчи бўлиб ваъдасини адо этган Уйчи тумани, “Гулистон” жамоа хўжалиги аъзоларининг улкан хирмонга қўшган улушлари

нақадар баракали бўлди. Бу хўжалик 660 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил кўтариб, пахтакорлик номини шон-шарафларга буркади.

Мавсумда қасаба уюшмаларининг вилоят аҳлига ҳамжиҳат бўлиб, деҳқонларни қўллаб-қўлтиқлаб, терим суръатини оширишдаги ютуқлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириб турганлари ҳам мақтовга сазовордир.

Мана Фарғона вилояти ҳам маррага етди. Қуёшли бу ўлканинг олий ҳимматли, лабзи ҳалол меҳнаткашлари ҳам ваъдага вафо қилдилар.

СУРАТДА: Наманган вилояти, Уйчи тумани “Гулистон” жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муҳаммад Содиқ Имомов дала айланиб, бу йилги вазифаларини адо этиб қўйганларига қарамай, яна 3 центнердан ортириб қўшимча ҳосил йиғиб олишни чамалаб юрибди.

Т. МАҲКАМОВ суратга олган.

ДАРОМАДНИНГ ЧЎҒИ БАЛАНД

Чироқчи туманидаги “Чиял” жамоа ширкат хўжалиги галлакорлари 26,5 минг тоннадан иборат дон ҳосили олишди. Ҳар йили зиммага олинган режалар ошириб бажарилмоқда. Бу йил хўжалик пахтакорлари ҳам туманда биринчилардан бўлиб, 1300 тонна ўрнига 1400 тоннадан зиёд “оқ олтин” етказиб беришди. Хўжалик бошлиғи Норбой Элмуродов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Хўжалигимизда 20 та пахтачилик бригадаси пудрат асосида иш юритапти. Ҳамма майдонларга “Бухоро-6” навли уруғ экилган эди. Ҳосил яхши бўлди. Раҳматулла Бойматов, Муродали Азимов, Тўра Янгибоев, Халқон Хотамов бошлик бригадалар гектаридан 33-30 центнердан ҳосил олишди. Лекин бу ҳали чегара эмас. Далаларимизда ҳосил мўл. Ялпи ҳосилни 2 минг тоннага етказишга аҳд қилганмиз. Ҳамма кучни шу мақсадга йўналтирамиз.

— Норбой ака, галла ва пахтадан ҳам юқори ҳосил олинди. Бундан хўжаликдаги кўп минг сонли аҳолига қандай манфаатлар бор?

— Бу йилги умумий даромадимиз 15 миллион сўмдан ортади. Даромаднинг асосий қисмини аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфламоқчимиз. Қишлоқларни газлаштиришга бел болаганмиз. Ҳозир тайёргарлик ишлари борапти. Бунга жуда катта маблағ керак. Шунингдек, йўллар яхшиланади. Чувилдоқ қишлоғида шифохона ва туғруқхона қурилади. Тоғай Мусурмонов номидаги мактаб қурилишини тамомлаш учун яқинда 220 минг сўм ажратдик. Ёрдәмга муҳтож 200 хўжаликка бепул сомон, 150 хўжаликка 2 центнердан бепул галла берилди. 2 минг тонна галлани аҳолига арзон нархларда сотамиз.

Муродулла КЕНҒОЕВ,
“Ишонч” муҳбири.

ДАСТУР ВА НИЗОМ ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Хоразм вилояти касаба уюшмаларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳаларини катта қизиқиш билан ўқиб, ўрганиб, илгари сурилган янги вазифалар, қондаларни касаба уюшмалари фаолиятини такомил сари элтишнинг муҳим гарови деб қараятилар.

Низом лойиҳаси ҳозирги амалдаги Низомдан айрим ташкилий масалаларнинг тўлақонли, аниқ-лўнда ифодаланганлиги билан фарқланади. Шу билан бирга айрим бандларга муайян тузатишлар, қўшимчалар киритишни тақозо этади. Уларнинг айримларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Низом лойиҳасининг III-2 бандига чет давлатларга вақтинча яшаш ёки шартнома асосида ишга юбориладиган фуқароларнинг касаба уюшмаларига аъзолиги тўғрисида қўшимча киритиш зарурга ўхшайди. III-3 банднинг 5-хатбошида касаба аъзоларига имтиёзлар беришда уларнинг касабадаги аъзолик даври инобатга олинса яхши бўларди.

Бизнингча, лойиҳанинг III-3 банднинг охирига қуйидаги жумлани қўшиб қўйиш зарурга ўхшайди: "Касаба уюшмаларининг идоралари меҳнат қонунларида белгиланган тартибда ҳўжалик ташкилотлари томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳуқуқига эга". Бундай фикр Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари, меҳнат тўғрисидаги қонунларига ҳам сингдирилган. Лойиҳанинг III-5-бандидаги "жазо чоралари қўрилиши мумкин" иборасидан кейин қуйидаги жузъий қўшимчани киритиш мумкин: "Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш ҳақидаги қарор бошланғич касаба ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва узил-кесил ҳисобланади".

Вилоятимиз савдо ходимлари касаба уюшма ташкилотларида Низом лойиҳасининг IV-3 банди, биринчи хатбошига кенгроқ тўхталишни, яъни ҳозир кўпгина корхона, муассаса ва ташкилотлар хусусийлаштирилганлиги ҳамда уларнинг айримлари ўта кам сонлигини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатиб бердилар. Бундай кичик жамоаларда касаба уюшмалари қандай ишлайдилар, уларнинг ваколатлари қандай бўлади? Буни ифодалаш ўта муҳимдир.

Уйлаймики, Низом лойиҳаси ҳали кўп ўқиб ўрганилади ва билдириладиган тақлифлар инобатга олинган ҳолда мукамал ҳолга келтирилади. Шундагина касаба уюшмалари мавқеи янада мустаҳкам бўлади.



ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Самимий ва дўстона мулоқот маҳали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раиси Х. Жамолов меҳмонларга бундай учрашув ва ўзаро илқ мулоқотлар анъанавий тус олаётганлигини мамнунлигини билдирди.

— Сизлар билан иккинчи бор шундай юқори даражада суҳбат ўтаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради, — деди у, — шу йилнинг май ойида Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши раиси Ли Пэннинг Ўзбекистонга қилган ташрифидан сўнг кўп ўтмай Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари Хитой Халқ Республикасига бориш насиб этган бўлса, бугунги сизнинг бизда меҳмон бўлишингиз Ўзбекистон Президентининг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифидан сўнг тўғри келиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бундай учрашувлар икки халқ ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳам беқиссдир.

Шунингдек, раис меҳмонларга Мустақил республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ривож топиши, бугунги ютуқлар ва маданиятимиз равақли, энг муҳими, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган вазифаларни тўғрисида ҳам тўхтади.

Уз навбатида сўз олган умумхитой касаба уюшмалари Федерациясининг раиси ўринбосари Чжан Денхуа дўстона қабул ва меҳмондўстлик учун сизидилдан миннатдорлик билдириб умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва унинг 100 миллиондан ортиқ аъзоси номидан олиб келган саломини изҳор этди. Сўнг у Хитойда олиб бориладиган илохотлар даврида касаба уюшмаларининг роли тўғрисида ҳам гапирди. Бундай аъло даражада олиб бориладиган ишлар Ўзбекистонда ҳам ижобий натижа бераётганлиги, шу жиҳатдан икки мамлакат бир-бирдан ўрناк олиб, бир-бирдан тажриба ўрганаётганлиги қанчалик фойда бераётганлигини ҳам уқтириб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т. Х. Собитов, ўринбосарлар, М. М. Тўлаганова, К. М. Рафиков, З. И. Қодировлар ҳозир бўлишди.

Шундан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ходимлари билан фикр алмашишди. Савол-жавоблар қизгин тус олди. Хитойлик меҳмонлар барчани қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Суратда: хитойлик меҳмонлардан бир гуруҳи.

"Ишонч" мухбири.

Меҳнаткашларнинг мақсад ва интилишларини ифода этувчи, манфаатларини ҳимоя қилувчи энг оммавий жамоат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиб келаётган касаба уюшмалари роли айниқса, бугунги бозор муносабатлари шарт-шароитида янада яққол кўзга ташланмоқда.

"Қаршиқурилиш" бирлашган касаба уюшмаларининг бўлиб ўтган XVI ҳисобот-сайлов конференциясида қўмита раиси М. Шарипов беш йил давомида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Бугунги кунда йилнинг жамоат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиб келаётган мазкур бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси асосий эътиборни кишиларни ижтимоий ҳимоялашга, ўзига қарашли бошланғич ташкилотлар иш кўраётган бўлинмаларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга, иш ва уй-жой шароитини яхшилашга, дам олиш ва даволанишни ташкил этиш каби масалаларни ҳал этишга қаратмоқда.

Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси, шунингдек, трестлар, корхоналар ва ташкилотларнинг касаба уюшмалари ўз ишларини ҳўжалик фаолияти билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормоқдалар.

"Қаршиқурилиш" касаба уюшмалари қўмитаси бирлашма маъмурияти ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорликда иш кўриб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари бажарилишига, хусусан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга, уларнинг турмуш даражасини тобора яхшилашга қаратмоқда. Чўл ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи узлуксиз ошириб берилди.

Шуни айтиш ўринлики, бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси билан қурилиш бирлашмасининг икки томонлама ўзаро битимида, шунингдек, корхоналар ва ташкилотлар ҳар йили имзолаб келинаётган жамоа шартномаларида ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ишлаб чиқаришдаги ўрни, ишчиларга яратиб бериладиган қўлайликлар, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва шу қабиларга кенг ўрин берилмоқда.

Меҳнат жамоаси вазифаларни барча асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этиб келаётди. Бош пудрат ишлари бўйича ҳам, бирлашманинг ўз кучи билан ҳам қурилиш-монтаж ишлари ҳажми доимо ошириб бажарилмоқда. Биргина 1993 йилда 1298 гектар ер ўзлаштирилди, шунингдек 28675 квадрат метр уй-

жойлар, 1388 ўринли мактаблар, 420 ўринли болалар боғчалари қуриб битказилди, қарийб 71 қақирим ичимлик сув қувири, 29 қақиримдан зиёдроқ табиий газ ва 5,3 қақирим иситиш тармоқлари ишга таширилди, бошқа қатор маданий-манший, ҳўжалик-маъмурий соҳалардаги иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Ишчиларга овқат пули ажратиш, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг пенсиясига қўшиб бериш, аёлларга ҳомилдорликнинг олтинчи ва еттинчи ойларида ташкилотлар ҳисобидан маош тўлаш каби масалалар тўла ҳал этилди. 1993—94 йилларда ўқувчи-ёшларнинг "Лочин" оромгоҳида дам олиб ва даволаниб келиши учун чўлқуварларнинг фарзандларига берилган йўлланмалар бепул қилинди. Ёзги таътил кунларида 1993 йилда 1060

нафар, 1994 йилда 500 нафар бола дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ ўқитувчиларга, мактабгача болалар муассасаларининг тарбиячиларига, шифокорларга, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, техникумларнинг домлаларига, уруш қатнашчилари ва ногиронларига, меҳнат фахрийларига 339 қавртира шахсий мулк сифатида ҳужжатлаштириб берилди.

Ҳар йили ўртача 200 дан ортиқ киши ўз уй-жойини, ялаш шарт-шароитини яхшиламоқда ва янги қавртира олмақда. Масалан, Қарши шаҳридаги Баҳодир Шерқулов номли кўчада қуриб битказилган кўп қаватли 220 қавртирали янги турар-жойлар ишчиларнинг бугунги ялаш масканига айланди. Чўлқуварларнинг "Олмазор" қурилиш кооперативи 1988 йилда ташкил топган бўлса, шундан бери умумий ялаш майдони 16 минг квадрат метрни ташкил этган 136 та уй-жой қуриб битказди ва фойдаланишга топширди.

Конференция ишида Ўзбекистон сув қурилиши Давлат концерни раисининг биринчи муовини А. Н. Рақитин, касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси Э. Ражабов, уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилоят кенгаши раиси С. Усмонов иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Билдирилган ишонч оқланаётгани учун "Қаршиқурилиш" бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқarli деб топилди. Қўмита раиси этиб яна М. Э. Шарипов сайланди.

Б. АШУРОВ.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Навой вилояти давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда қўмита раиси Ш. Халилов ва тафтиш комиссияси раиси Б. Ҳамроевларнинг ҳисобот маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси К. Исмонлов, Қонимех туман давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. Тоиров, Хатирчи туман давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси раисаси Х. Топшуловлар, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи С. Қобулов, вилоят спорт қўмитаси раиси С. Умиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмалари қўмитасининг янги таркиби сайланди. Кўпчилик катта ишонч билдириб, яна Ш. Халиловни давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навой вилояти қўмитаси раислигига сайладилар.

Конференция ишида Республика давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг катта нозирини Т. Собиров ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосарини Д. Воҳидов қатнашдилар ва касаба уюшмалари олдида турган кўпгина вазифалар ҳақида гапирдилар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ, "Ишонч" мухбири.

МЕҲНАТ КИШИСИГА ҒАМХЎРИМ

Туманимизда меҳнат кишисига ғамхўрлик йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Шу йил март ойида касаба уюшмаси туман ҳокимлиги билан биргаликда кўп таъминланган, елғиз ва қаровчисиз қолганларга аниқ адресли ижтимоий ёрдам қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, иқтисоди ночор 176 кишига ташкилотлар, касаба уюшма қўмиталари, кишлоқ йиғинлари ва маҳалла қўмиталари оталиқ ёрдами кўрсатиб турди.

Бундан ташқари ҳар бир касаба уюшма қўмитасида кам даромадли, кўп болали оилалар ва елғиз, қаровчисиз қолган кишилар рўйхати олинди, уларга моддий ва маънавий ёрдам берилапти. Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳам эътиборда.

Президентимиз белгиланган 5 тамойилнинг 1 таси кучли ижтимоий сиестатдир. Бу масала касаба уюшмаси диққат эътиборида. Шунинг учун ўтган даврда туманимизда 6429 оилага уй-жой қуриш учун 987 гектар ер участкалари ажратиб берилди. Кооператив уй-жойлар қурилди. 117 гектар ер меҳнаткашларга томорқа сифатида берилди. Паркент шаҳрида II янги массив, ҳар бир кишлоқда янги маҳаллар пайдо бўлди. 340 оила ялаш турган уй-жойлар текинга хусусийлаштирилди. 305 километр масофага газ қуурлари, 75 километр ичимлик сув қуурлари тортилди. Бу ўринда "Заркент", "Ҳисарак", "Қорақалпоқ", "Гулбоғ" жамоа ҳўжаликлари, "Паркент" ширкатлар уюшмаси катта иш қилдилар.

Бугунга келиб туманда 92 фермер ҳўжалиги бўлиб, улардан 43 таси чорвачилик, 36 таси боғдорчилик ва узумчилик, 13 таси деҳқончилик ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Уларга 367 гектар сугориладиган ер, 727 гектар боғ ва узумзорлар бириктирилган.

Холдор ЭРҒАШЕВ, Паркент тумани деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари

ТУМАН ҚЎМИТАЛАРИДА САЙЛОВЛАР

Хоразм вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаларининг конференциялари бўлиб ўтди. Деярли барча конференцияларда делегатлар касаба уюшма ташкилотларининг шу кундаги фаолиятларини чуқур таҳлил қилдилар.

Хонқа туманида тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитасига қарашли 30 та бошланғич ташкилот мажмуи, уларнинг ҳаммасида ҳам меҳнаткаш инсонни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир қатор ишлар рўебга чиқарилмоқда. Айниқса, Охунбобоев номли, "Хоразм" жамоа ҳўжаликлари, дон маҳсулотлари комбинати, пахта тозалаш заводи касаба уюшма қўмиталари амалга оширадиган ишлар ибратли бўлмоқда.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масалаларида касаба уюшма қўмиталари билан маъмуриятлар ўртасида тузилаётган жамоа шартномалари ва битимлар имкониятларидан кенг фойдаланилапти. Жамоа шартномаларида корхоналар, ҳўжаликлар олаётган фойда ҳисобидан ночор ва кам даромадли оилаларга, етим-есирларга, уй-жой қураётганларга, тўй қилаётганларга моддий ёрдам бериш учун маблағ ажратилапти. Шу йилнинг биринчи ярмида 375 оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Лекин шу билан бирга тумандаги айрим ҳўжалик ва ташкилотларда жамоа шартномаларидаги мажбуриятлар бажарилмасдан қолапти. Бундай ҳоллар "Дўстлик", А. Навойи номли жамоа ҳўжаликларидега содир бўлмоқда. Шунингдек, Ал-Хоразмий номидига жамоа ҳўжалиги касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини етарли назорат қила олмапти.

Тумандаги ташкилот ва ҳўжаликлар ижтимоий сугурта жамғармасига чегираларини вақтида ўтказмаётганлар, бу эса соғломлаштириш билан боғлиқ турли тадбирларни маблағ билан таъминлашда қийинчиликлар туғдирапти.

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари туман касаба уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида талабчанилик билан ишларнинг аҳоли муҳокама қилинди. Қўмита раисининг ўринбосари ва музокарада сўзга чиққан нотқилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низоми ва Дастури лойиҳаларига ҳам муносабат билдирдилар. Бу лойиҳаларни ҳам қўллаб қувватлаган ҳолда баъзи моддаларга қисман ўзгартришлар киритиш тақлифини билдирдилар.

Конференцияда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Қ. Сафоев, туман ҳокими А. Ортиқов сўзга чиқдилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ш. АҲМЕДОВ, "Ишонч" мухбири.

ЭНГ МУҲИМИ — ИЖТИМОЙ

Мустақилликка эришган республикамиз қийин, масъулиятли синовлардан ўтаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Тўқинчилик, фаровонлик осмондан тушмайди барибир. Ҳаёт кун сайин янги-янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, омманинг фаол ва онгли меҳнатини ўз вақтида рағбатлантириш иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи омилдир.

Икки юз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Ғиждувон туманида бу масалаларга қандай ёндашилапти? Маъмулки, ҳозирги илохотларнинг изчиллиги ва самарадорлиги етакчи тармоқ — кишлоқ ҳўжалиги билан уйғун. Шу босқинда туманда деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳар қарч ердан унумли фойдаланишга жиддий аҳамият берилапти. Натижа ҳам шунга яраша.

Чорвачиликда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Энг муҳими, иқтисодий илохотларни чуқурлаштириш тўғрисида эндиликда тармоқ зарар эмас, фойда келтира бошлади. Бу, шубҳасиз, мустақиллик ва эркин фаолият самарасидир. Кишлоқ ҳўжалигида мулкчилик шаклининг ўзгариши меҳнатга онгли муносабат уйғотиб, янги-янги ташаббус булоқларининг кўзини очаяпти. Ҳозир туманда 196 та фермер ҳўжалиги мавжуд. Сабзавотчилик, мева-узумчилик, ғаллачилик, поливацилик соҳалари ҳам асосан хусусийлаштирилган. 523 деҳқон ҳўжалиги "Тадбиркор" банкида ўз ҳисоб рақамига эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлаш, тақчил маҳсулотларни кўпайтириш муҳим вазифалардан биридир. Бу муаммони ҳал этиш учун ички имкониятлардан фойдаланилаётганлиги эътиборга молик. Чунончи, барча ҳўжаликларда гишт, оҳак ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда тайёрланган маҳсулот кишлоқ меҳнаткашларига арзон нархда сотилапти. "Зарафшон", Ҳ. Олимжон номли, С. Жабборов номли, Ф. Ҳўжаев номли пахта тозалаш заводи, А. Ғиждувоний номли жамоа ва "Кўкча" давлат насличлик ҳўжаликларидега турли кичик корхоналар ташкил этилган. Улар туман иқтисодида катта наф келтираяпти.

Ғиждувонлик пахтакорлар жорий йилда астойдил меҳнат қилиб, далаalarda баракари ҳосил етиштирдилар. Айни кунда ун йиғиб-териб олиш қизгин. Давлатга 483 тонна пилла, 4350 тонна сара дон сотилиб белгиланган режалар ошгани билан уддаланди. Айтинч жонивор, эришилаётган ютуқларда касаба уюшмаларининг муносиб хиссаси бор. Зотан улар меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоялашга даъват этилган энг оммавий ташкилотдир. Улоққа бормайлик, ҳозирги пайтда агросаноат тармоғида 45 та бошланғич, 398 та гуруҳ, 84 та цех касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, улар ўз атрофида 29781 нафар аъзон бирлаштирган. Шу йил май-август ойларида бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. 1305 нафар киши сўзга чиқиб, улар томонидан 701 та муҳим тақлиф ва истақлар билдирилди. Ҳисобот йиғилишлари шунинг кўрсатдики, тармоқда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзолари

масъулиятни тўла англаб, бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий илохотларни амалга оширишда ўз ўринларини белгилаб олаётганлар. Бу эса ҳозирги вазиғда жуда муҳим.

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари туман касаба уюшмасининг навбатдаги конференциясида ана шу каби масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди. Қўмита раиси М. Болтаевнинг маърузасидан аён бўлишича, асосий эътибор тармоқ ходимларининг ҳаётини яхшироқ қилишга қаратилган. Бу борада жамоа шартномалари кўл келаяпти. Шартнома мажбуриятларининг ижроси назорат қилиб борилади. Ҳисобот даврида (1991—1994 йиллар) ишлаб чиқариш илгорлари, уруш ва меҳнат фахрийларидан 7348 нафарни сайёҳлик савҳатларда бўлдилар. 1854 киши эса турли шифо ва дам олиш масканларида ўз саломатлигини тиклаб қайтди. Бозор қийинчиликлари ҳисобга олинди, йўлланмалар асосан, имтиёзли нархларда берилаётганлиги аини мўддао. Касаба уюшма қўмитаси ўз маблағи ҳисобидан тўрт нафар ногиронга махсус аравачалар тортиқ этди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Меҳнат муҳофазаси тўғри ташкил этилганлиги тўғрисида ҳисобот даврида бирор киши шикастланмиш олгани йўқ. Конференция кунда тармоқдаги кам таъминотли ходимлардан 44 нафарига икки юз сўмдан моддий ёрдам кўрсатилганлиги, улар олдига дастурхон ёзилганлиги, ҳам ҳар йил тадбирлардан биридир. Ҳисобот даврида 6000 дан зиёд эзма ва отзани арза, 40 та шикоят хати тушган. Улар жойида кўриб чиқилиб, кўпчилиги ижобий ҳал этилган. Жумладан, ноҳақ шидан бўшатишган 17 киши касаба уюшмаларининг аралашуви билан ўз ўрнига тикланди.

Булариинг ҳаммаси яхши, албатта. Аммо, туманда ижросини кутиб турган бир талай доллар масалалар борки, улар ҳақида алоҳида тўхталиш жона. Тармоқдаги айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти талабга жавоб берибди. Улар омманинг ҳаётини манфаатларини ҳимоялашда сусткашликка йўл қўйяптилар, ўз ишларида туб бурчишлик асамаёптилар. Эътиборсизлик сабабли ҳисобот даврида 39 та йўлланма фойдаланилмади қолди кетди.

Ҳисобот маърузаси юзасидан сақиз киши сўзга чиқди. Улар бозор шароитида ижтимоий муҳофазани кучайтириш, барча бўғинларда касаба уюшмаларининг мавқеи ва ролини ошириш лавозимлигини таъкидлаб, тармоқ ишини яхшилашга қаратилган бир қатор тақлиф ҳамда мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Конференцияда касаба уюшма туман қўмитаси ҳамда тафтиш ҳайъатининг янги таркиби, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшма ташкилотининг IV конференциясига вакиллар сайланди.

Носир ТОШЕВ, "Ишонч" мухбири.

Биздан сўрабсиз

"Хурматли "Ишонч" газетаси таҳририяти! "Биздан сўрабсиз" саҳифасида берилган маслаҳатларни зўр қизиқиш билан ўқиб борамиз. Сизлардан илтимос, ногиронликка чиқариш билан асосан кимлар ва қайси ташкилотлар шўғулланади? Уларнинг фаолияти ва ногиронлик нафақасига чиқариш шартлари хусусида кенгроқ маълумот берсангиз.

**Йўлдошбой ЭРГАШЕВ,
Задаре туманидаги "Гулбоғ"
жамоа хўжалиги аъзоси.**

Ушбу саволга Наманган вилояти тиббий-мехнат эксперт комиссияси раиси Нейматжон Жўрабоев жавоб беради:

ТМЭК еки тиббий-мехнат эксперт комиссиялари ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳудудлар миқёсида ногиронликнинг аҳволини ва сабабларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, ногиронликнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш, касаликка чалинган фуқароларнинг меҳнат қобилиятини текширтириш ёки касаллик даражасини аниқлаш масалалари билан шўғулланади.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги қарори билан "Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низом" тасдиқланди.

Бу ҳужжатнинг олдингисидан фарқи шундаки, унда ТМЭКлар иш фаолиятини такомиллаштиришига катта эътибор берилган. Биринчи навбатда мустақил ишлаш учун кенг имкониятлар яратилди. Илгари раҳбарликни ижтимоий-таъминот бўлими олиб борганлиги ҳолда моддий таъминот соғлиқни сақлаш идораларига боғлаб қўйилган эди. Эндиликда фаолиятимизни маҳаллий ҳокимликларгина назорат қилади, уларга ҳисоб берамиз ва улардангина зарурий кўрсатмалар оламиз. Бунинг ижобий томонлари кўп. Чунончи, эксперт комиссиялари ногиронликнинг қаердан ва қайси сабаблар келтириб чиқараётганлигига оид ўз хулосаларини ва тавсияларини вақти-вақти билан маҳаллий ҳокимликларга тақдим этиш имкониятига эгадирлар. Шу билан бирга ногиронликнинг олдини олиш ва аҳолини соғломлаштириш жараёнида соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда иш юритилади. Янги тасдиқланган Низомга биноан ногиронларнинг турмуш кечиришларида, ўқишлари ва иш даврида соғлар билан теппа-тенг шароитга эга бўлишларини таъминлаш, шу масалага тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифалари ҳам ТМЭКлар зиммасига юклатилди. Мулкчилик шаклларида қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмуриятлари 33 киши ишлайдиган ҳар қандай жойда 3 фоиз меҳнат ўрнини ногиронлар учун ажратишга мажбурлар.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳам ТМЭКларга нисбатан эътиборни кучайтираётганликлари қувончли ҳолдир. Масалан, вилоятимиз ҳокимлигининг 16 апрелдаги қарори бунинг далилидир. Шунга кўра вилоят тиббий-мехнат эксперт комиссияси маъмурияти қатор қулайликларга эга бўлган бинога кўчиб ўтди. Шунингдек, Учқўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон каби туманларнинг ҳокимликлари ҳам туман ТМЭКлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Энг муҳими: ногиронларни иқтисодий ғимоялашга аҳамият орди, қорғозбозлик ва югур-югурлар камайди, ногиронларни беморликка чиқариш кенгайди. Масалан, авваллари бир кўзи ожиз киши фақат армия хизмати ёки ишлаб чиқариш жараёнида юз берагина ногиронлик нафақасига чиқариларди. Янги низом бўйича шу хилда ногиронликка учраган ҳамма бундай имтиёздан баҳраманд этилади. Илгари муддатсиз тоифа учун 12 йил қайсидир тоифадаги ногиронликда туриш, ҳар йили комиссиядан ўтиш талаб этилган бўлса, эндиликда бу 4 йилга тўширилди. 5 йилга бориб муддатсиз тоифага ўтказиш қонунлаштирилди. Гоҳо, ногиронликка чиқариш билан боғлиқ шикоятлар қулоққа чалиниб қолади. Шунинг учун ногирон, деб кимлар айтилиши, тоифаларнинг ўзига хос талаблари борасида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг аввало, ногирон деб касаллик туфайли меҳнат қобилиятини қисман ёки бутунлай йўқотганлар ҳамда ўзгалар парваршига ёки ерданига муҳтожларга нисбатан айтилади. Оғир ишга яроқсиз, ҳасталик туфайли ўз касбини удралашга ожиз киши учинчи тоифага мансубдир. Меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотганлар иккинчи тоифага мансуб ҳисобланади. Бировларнинг доимий кўмагига эҳтиёж сезанлар биринчи тоифага киритилади. Буларнинг бари тиббиёт муассасаларининг ҳужжатлари билан тасдиқланиши шарт.

Саволларга Республика Олий суди судьяси Машхура Сафоёва жавоб беради:

Қандай квартиралар хусусийлаштирилиши мумкин эмас?

**Нўмонжон ҲАКИМОВ,
Наманган вилояти.**

— Давлат уй-жой жамғармасини хусусийлаштириш тўғрисида "ги Қонунинг 12-моддаси 3-бандига кўра:

- а). уй музейлар, меъморчилик, тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланувчи бино ва уйлар;
- б). епик иншоот хоналари;
- в). умумий етоқлар хоналари;
- г). белгиланган тартибда яшаш учун яроқсиз, деб

топилган квартиралар;

д). хизмат хоналари хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Шунингдек, икки ёки ундан кўп ижарачилар ўртасида ўзлари эгаллаб турган квартирани хусусийлаштириш тўғрисида ўзаро бир битимга келинмаган турар-жойларни хусусийлаштириш мумкин эмас.

— Хусусийлаштирилган квартирани сотиш тартиблари қандай?

**Гулшан ТУРДИЕВА,
Самарқанд вилояти.**

— Давлат уй-жой жамғармасини хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонунинг 13-моддаси 4-бандига ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг 139-моддасига кўра хусусийлаштирилган квартира еки уй (уйнинг бир қисми) эгаси оила аъзолари ва уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ўзларининг умумий мулклари ҳисобланган уй-жойга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етган оила аъзолари ёки уй-жойни хусусийлаштирган шахслар розилиги билан амалга оширилади, бунда хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-оналари, ҳомийлари ва васийлари ҳимоя қиладилар.

"Давлат уй-жой жамғармасини хусусийлаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 4 апрелда № 180-сонли қарор қабул қилиниб, хусусийлаштирилган квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиб олиш ва сотиш шартномаларини расмийлаштириш тўғрисида Низом тасдиқланди.

Шунга биноан хусусийлаштирилган уй-жойнинг эгаси ушбу уй-жойни ўз хоҳишига кўра ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга ёхуд кўчмас мулкка доир расмийлаштиришларни амалга оширишга вакил қилинган ташкилотга сотиш, шунингдек, уни "Ким ошди савдоси"га қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Квартира, уйни (уйнинг бир қисмини) сотишда мулкдор сотиб олиш-сотиш шартномасини тасдиқлаш учун квартира жойлашган ердаги нотариал идорага, ким ошди савдоси орқали амалга оширишга вакил қилинган ташкилотга мурожаат қилади.

— Онам уй-жойни менга қолдириш ҳақида маҳалла оқсоқоллари иштирокида васиятнома тузган эди, лекин васиятнома қонуний кучга эга эмас эмиш. Шу тўғрими?

**Тоҳира МАРДИЕВА,
Жиззах вилояти.**

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 584-моддасига мувофиқ ҳар бир фуқаро васият бўйича мулкни ёки унинг бир қисмини (қонун бўйича) ворислар доирасида ёки бир неча шахсга, шунингдек, давлатга, айрим кооператив ва жамоа ташкилотларига мерос тариқасида қолдириши мумкин.

Васиятнома ёзма равишда тузилиб, тузилган жойи ва вақти кўрсатилиши ҳамда васият қилувчи томонидан имзоланиб, нотариал идорасида тасдиқланган бўлиши шарт.

Қонун талабига риоя қилинмай тузилган васиятномалар ҳақиқий саналмайди.

— Отам ҳаётлик пайтларида уларга тегишли автомашинадан ишонч қоғози асосида фойдаланиб юрар эдим. Отам бу автомашинани нотариал тасдиқлаган васиятнома асосида менга қолдирган эди. Орадан бир йил ўтди. Васиятнома бўйича гувоҳнома олишим мумкинми ёки қонун бўйича белгиланган муддатни ўтказиб юборган бўлманми?

**Райимжон ШОҲНАЗАРОВ
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 59-моддасига кўра Сиз мерос очилган вақтдан эътиборан олти ой давомида эгалик қилган бўлсангиз, у сизнинг ҳисобингизга ўтган ҳисобланади. Сиз давлат нотариал идорасига мурожаат қилиб, васиятнома бўйича ворислик ҳақида гувоҳнома олишингиз мумкин.

— Турмуш ўртоғим билан бирга яшаган давримизда машина олган эдим. Икки йилдан буён у билан бирга яшамайман, лекин никоҳдан ажралмаганмиз. Автомашинани сотмоқчи бўлган эдим, нотариал идора ходимлари уни сотишимга турмуш ўртоғимнинг розилиги зарурлигини айтишди. Ахир машина ўз маблағим эвазига олинган-ку?

**Зухра АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти.**

— Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила Кодексининг 25-моддасига кўра эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр-хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш,

болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра ишламаётган тақдирда ҳам мулкка нисбатан баб-баравар ҳуқуққа эга.

Шу қонуннинг 26-моддасига мувофиқ автомашина Сизларни биргаликдаги умумий мулкларингиз ҳисоблангани учун уни бошқа шахсга ўтказишда, яъни сотиш, ҳада қилиш ва бошқаларда турмуш ўртоғингизнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририятга ўқитувчилардан келган талайгина хатларни кўриб чиқиб, ундаги саволлар деярли бир хиллиги учун умумлаштириб, Республика халқ таълими вазирлиги ходимлари бошқармасининг етакчи мутахассиси Мукамбар Усмоновага мурожаат қилдик. Қуйида у кишининг жавоблари билан танишасиз.

— Агар мактаб аттестация комиссияси ва шаҳар халқ таълими бўлими вакиллари иштирокида биринчи тоифа деб тасдиқланган ўқитувчини шаҳар ёки туман ХТБ эксперт комиссияси бекор қилиб, иккинчи тоифада қолдириши тўғрими?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасаларида педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги Низомга биноан таълим муассаса аттестация комиссияси педагогика кенгаши тақдим этган тавсияномани ҳар томонлама кўриб чиқиб, аттестациядан ўтказилаётган ходимни тинглаб, унга тегишли тоифа малакасини белгилаш тўғрисида (овоз бериш усули билан) хулоса чиқаради.

Муассаса аттестация комиссияси маълум бир хулосага кела олмаса ёхуд аттестациядан ўтувчи комиссия хулосаларидан норози бўлса, туман, шаҳар ХТБ эксперт аттестация комиссияси чиқарган қарорнинг тўғри ёки нотўғрилиги хусусида ўз хулосасини тайёрлайди ва шу асосда аттестация комиссияси узил-кесил қарор қабул қилади.

— Шаҳар ХТБда ташкил этилган эксперт комиссиясининг вазифаси нималардан иборат?

— Шаҳар ХТБда ташкил этилган эксперт комиссияларининг вазифалари:

1. Муассаса аттестация комиссияси маълум бир хулосага кела олмаса ёхуд аттестациядан ўтувчи комиссия хулосаларидан норози бўлган ҳолларда эксперт комиссияси аттестация комиссияси чиқарган қарорини тўғри ёки нотўғрилиги хусусида ўз хулосасини тайёрлайди. Шу асосда муассаса аттестация комиссияси ҳам узил-кесил қарор қабул қилади.

2. Таълим-тарбия муассасалари раҳбарларини, уларнинг ўринбосарларини ҳам педагог ходим сифатида аттестациядан ўтказиш.

— 1974 йили биринчи аттестациядан сўнг менга катта ўқитувчи унвони берилди 1991 йилгача яна 3 марта аттестациядан ўтдим. Шу унвонга мувофиқ Ўзбекистон маориф вазирлигининг 15/04 буйруғига биноан гувоҳнома берилди. Аммо янги директоримиз аттестация ўтказгандан кейин эса иккинчи тоифага тушиб қолдим. Катта ўқитувчилик ўз-ўзидан бекор қилинди. Шу тўғрими?

**Шоҳида ИНОҒОМОВА,
Андижон шаҳри.**

— Тасдиқланган аттестация Низомига биноан малака тоифасини мактаб директори эмас, аттестация комиссияси — очик ёки епик овоз бериш усули билан ўтказилади. Бунда — педагогнинг илмий назарий тайергарлиги, бажараётган ишининг пировард натижалари, малака тавсияномаси талабларига қай даражада жавоб беришлари, педагог кенгаши, аттестация комиссиясининг тавсиялари эътиборга олинади. Агар Сиз аттестация комиссияси қароридан норози бўлсангиз ўз туманингиз ХТБ қошидаги эксперт комиссиясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Педагог ходимларга тоифалар асосида табақалаштириб ҳақ тўлаш муносабати билан "Катта ўқитувчи" унвони бекор қилинган.

— Мен 1963 йилнинг августидан бошлаб педагог бўлиб ишлаб келдим. Кейинчалик соғлиғим ёмонлашганлиги сабабли 1984 йилдан ўша мактабда котиба машинистка бўлиб ишламоқдам. Педагогик стажим 21 йил, умумий меҳнат стажим 33 йил. 1946 йилда туғилганман. 8 болам бор. Янги Қонунга асосан мен ҳам пенсияга чиқаолманми?


**Жамила ҲОЛИҚОВА,
Қарши шаҳри.**

— 8 болалинг бўлгани учун 50 ёшдан пенсияга чиқишингизга ҳуқуқингиз бор.

— Авваллари 25 йил мактабда узлуксиз ишлаган ўқитувчи тўлиқсиз пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эди. Шу қонун янгилигида ҳам кўзда тутилганми?

**Ф. ҚУБОЕВ, Х. ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, 63-мактаб.**

— Янги қонунда аёллар 50, эркеклар 55 ёшдаги 25 йил педагогик стажига эга бўлганлар имтиёзли нафақага чиқишлари мумкин.






"МАРҲАМАТ" СИХАТГОҲИДА БИР КҮН

янги бир олам сари одимлаётгандай хис қиласиз. Қаршингиздаги ҳамма нарса сизнинг кириб келишингиздан қувониб, чарақлаб, яшнаб кетади гўё. Катта-катта тувакларда чамандай яшнаган антиқа гуллар, ранг-баранг бутта шакл турли ўсимликлар, бурчак-бурчакда эса катта-катта идишларда хилма-хил балиқлар сузиб юрганини кўрасиз. Кафасларда саъва, тўти сингари чиройли сайроки қушлар. Умуман ҳар нарсада латофат бор, ҳар жиҳатдан кўркамлик. Атрофнинг тартиб-сарихталлигини кўриб ҳар ким ҳам ўз уйини ана шундай ёғ тушса ялагудай бўлиб туришини истаса керак, деб ўйлайсиз. Бари бекаму кўст, бари бежирим.

Еп-еруғ йўлакларга чўғдай яшноқ поендозлар тўшалган. Юрсангиз оёқ товуши эшитилмайди. Ҳақиқий санъат усталарининг эҳсини, юксак диди билан қадимий услубда нақш-нақошлик зийнатини берилган устунлар, девортош, эшик табақалари, дераза ромлари. Қатор-қатор бир-икки ўринли хужра сифат чакноқ хоналар Ҳорижий мамлакатлар махсули—барги қарам, пушти, қизил ранг ва қордай оппоқ епкичли қарвот, диванлар, креслолар билан жиҳозланган. Деразаларда эса ипақ пардалар. Сўнги нусхадаги рандор телевизор, совутгичлар, шипда эса шода-шода марварид янглик биллур кандиллар. Хуллас, келинчакнинг уйдаи ҳамма нарса ўрни-ўрнида, безаклик, тузоқлик. Бу хоналарда сихатгоҳга қадам ранжида қилган даволанувчилар, хордик чиқарувчилар истиқомат қилишади. Булар ҳеч нарсдан зориқиш еки эҳтиёж сезмасликлари учун барча шарт-шароитлар муҳайе бу ерда.

Ҳар бир қаватда хордик чиқарувчилар, телевизор кўриб, суҳбат қурувчилар учун махсус шинам-шинам алоҳида жойлар мавжуд. Йўлаклар кенг-кенг. Икки-уч киши бўлиб юрсангиз ҳам қаршингиздан келаётганлар билан тўқнашмайсиз. Худди шундай таассуротни тиббиёт ва ташрихот соҳасига кўчирадиган бўлсак, бу ердаги инсонга бўлган гамхўрлик, иззат-икром, жонфидаликлардан бошқа сихатгоҳлар мутасаддилари ҳам ибрат олса арзир экан, деб ўйлайсиз. Ҳар бир ходим ходиманинг юзиди, кўзиди нур, тилидан бол томади. Беморлар, хордик чиқарувчиларнинг кўнгли хуш, дили равшанлик топади. Барча-барчалари истаган нарсангизни бажо келтириб, ўша ондаёқ мушқулингизни осон қилиш учун ҳозирунориз туриради.

Андижон шаҳридан Айнгирма тўрт чақиримгина олисдаги Асака билан Марҳамат тумани



вақтинчали ҳолос. Ҳали замон сауна-хаммом жазирасида баданларини тоблаётганлар чиқиб, бирин-кетин ўзларини отганларида у денгиз мисол чайқалиб кетади, бесаноқ тўлкинлар кутиради, жўшади. Юртимиз меҳнат аҳлининг сихат-саломатлиги учун гамхўрлик ҳамма сихатгоҳларда ҳам мавжуд албатта. Аммо, "Марҳамат"нинг таърифини келтириб, кўплар уни Кисловодска ўхшатадилар.

— Дарвоқе, бу ернинг ҳавоси ҳам, даволаш усуллари ҳам қайси Кисловодскдан қолишади? — деб таърифлайди қурувчи Довулбек Зокиров, — етимишчи йил бошларида пахта дорилаш натижасида

захарланиб, деярли букилиб қолган эдим. Шу жиҳатдан 1971 йили Ялтада даволанишимга тўғри келди. Ундан кейин Кавказда бўлдим. Барибир тиззамгача оғрик туриб азоб чекишдан қутилолмадим. Мана бу йил "Марҳамат"га келиб, қабул қилган ванна сувининг учинчи нафаридан сўнг анча дуруст бўлиб қолдим. Баданим оғриқдан ҳалос бўла бошлади. Ҳақиқатдан ҳам Полвонтош суви бебаҳо экан. Сихатгоҳда парафин ва уқалашлар билан даволашлари ҳам анча фойда бермоқда.

— Мен Сотқиной Исабоева 67 ешдаман. Андижон шаҳридан келдим. Оёғимга туз йиғилган. Дўхтирлар остеохондроз, дейишади. Марҳамат туманида шунақа сихатгоҳ очилганини эшитиб, таёкка таяниб келган эдим. Ҳозир дурустман. Таёксиз юра бошладим. Шунинг учун бу ердаги шифокорларни алқабаним-алқабаним. Дунё тургунча туришсин, илоҳим!

Йўлдош Расулов — пенсияер: Бўйин касаллиги билан хасталанганман. Бунинг устига қон босимим бор. Касаба уюшмаларининг химмати билан 1610 сўмлик йўлланмани бепул расмийлаштириб берилди. Олаётган даволаримдан ниҳоятда хурсандман. Чунки минг қатла шуқурки, анча дурустман.

Абдулаҳат Норов — ишчи: Бодим бор эди. Тўрт йилдан бери ҳаммаёғим оғриб, кечалари ухлай олмадим. Бу ерга келиб, ванна қабул қила бошладим. Балчиқ билан даволандим. Нур бериш,

уқалаш сингари муолажалар мени анча тузатиб қўйди. Даволовчи ҳақимимиз Обиджон Маматқодировга минг раҳмат. Қўли жуда енгил экан.

— Ҳозирча шундай қўли енгил ҳақимларнинг тўрт нафаригагина эгамиз ҳолос, — дейди ташкилий ишлар бўйича бош ҳақим ўринбосари Чўлпонови Юлдошевна Қўчқорова. — Улар сон жиҳатидан кам бўлишса ҳам, ҳар бирлари ўз касбларининг усталари. Ҳаддан зиёд куч-ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Ҳамшираларимиз етарли. Аммо даволувчиларни сонини кўпайтиришимиз керак. Каердаки энг тажрибали ҳақимнинг дарагини эшитсак, сихатгоҳимизга жалб қилишга уринмоқдамиз. Чунки сихатгоҳга келаётган даво талаб беморлар кундан-кунга кўпайиб, бугунги 70 ўринли жойларимиз эртага камлик қилиб қоладиган кўринади. Йўлланмамиз нархи ҳам арзон. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир касаба уюшмаси азвоси 1610 сўмнинг 10 еки 20 фоизини тўлаб келяптилар. Қолгани касаба уюшмаси ҳисобидан. Шу важдан яна икки юз ўринли бино қуришга киришганмиз. Лойиҳа хужжатлари ҳам деярли тайёр.

СИХАТГОҲ ошхонасига Андижон вилоятида ном қозонган энг яхши пазандлар тақлиф қилинган. Улар пиширган мазали ва парҳезили таомлар алоҳида таъриф ва таҳсинга сазовор. Мабодо кимгадир меҳмон-измон ташриф буюриб қолса, ёхуд беморлар кўнгилларида бирор бошқа таом пишириб ейиш иштиёқи туғилса улар учун сихатгоҳлик киефасига эга барча қулайликларга эга гўшалар муҳайе қилинган.

Хуллас, инсон ҳақида қайгуришнинг, унинг сихат-саломатлиги тўғрисида жон куйдиришнинг ажойиб намунасини кўрасиз бу ерда. — Албатта бунчалик ибратли шароитлар яратилишига осонликча эришмадик, — дейди сихатгоҳ бош ҳақими Адҳам Абдупаттоевич Сатторов. — Аммо ўтган мушқул давларни эслаш бизларга жоиз эмас. Ўтган ўтиб кетди, қолгандан гапир, деганлар. Дарвоқе, ҳар ишда ҳамжиҳатлик қўл келганидек дуч келган мушқулликларни енгишда ёлғизлик сезмадик. Бугунги ютуғимизни ўйлаганимда бизга сидқидил ердан бериб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қўлтиқлаган Андижон вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси, вилоят қолхозлараро қурилиш трести, иккинчи агроқурилиш трести ходимларининг олий химматларини эслайман. Вилоят йўл қурилиш бошқармаси, сув йўллари барпо қилиш, шаҳар алоқа бошқармалари, Андижон савдо концерни, вилоятдаги шартнома билан савдо қилиш

бошқармаси, мебель ишлаб чиқариш фабрика ва комбинатлари маъмуриятларининг ердاملари беқияс бўлганини унутолмайман. Айниқса тун демай, кундуз демай, қиш демай, ез демай бизларнинг ҳолимиздан доим бохабар турган, шу манзилгоҳимиз барпо бўлиши учун бошқоқлик қилган вилоят ҳокими ўринбосари Мўйдин Якубович Якубов, Марҳамат тумани ҳокими ўринбосари Маъмуржон Эркаевлар хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Юқори ихтисосли ходимлар билан таъминланишимиз бўйича бизни оталиққа олган "Чимен" сихатгоҳи ва тиббиёт ходимлари малакасини ошириш илмгоҳи раҳбариятига қалбан миннатдорлик изҳор қилгим келади. Уларнинг биз учун жон куйдиришлари бўлмаганда ҳозир шу даражага етишимиз у екта турсин, ҳали бери фаолият бошлашимизга йўл бўлсин эди...

Адҳам Абдупаттаевич бошқалар ҳақида соатлаб гапиришдан толмасам ҳам ўзи тўғрисида берган саво-лин-гизга камтарлик билан қисқалинган "ҳа, биз ҳам шулар қатори" деб қўяқолади. У 1974 йили Андижон тиббиёт институтининг даволаш факультетини битириб, ўша илмгоҳ шифохонасида фаолият бошлаган, бўлим бошлиғи вазифасида ишлар эди. Ҳеч қутилмаганда уни 1993 йилнинг ўрталарида ушбу чала-чулла битган, ҳали сихатгоҳлик киефасига эга бўлмаган жойга раҳбар қилиб тайинладилар. Адҳамжон иш-нимадан бошлашни билмай боши қотиб турса ҳам бирок унга билдирилган ишонч гайратга бошлади. Шунинг учун астойдил белни боғлаб ишга киришди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда вилоят касаба уюшмалари раҳбарияти билан тил топишиб, уларнинг кўмагида янги иш режалари тузди. Сихатгоҳнинг ҳар жиҳатдан беками-кўст бўлиши учун елиб-югуришга тўғри келди. Натيجا ёмон бўлмади. Лой сақлагич, хўжалик иншоотлари сингари қатор қўшимча бинолар қуриш айнаи унинг ташаббуси ва саъйи-ҳаракати билан амалга ошди. Шу кема-кундузда ҳам барча шарт-шароитларга эга бўлган муборак даргоҳга чинакамгина эътиқод қўйган у. Баланд чўққи янглик қир бағрида салобат тўкиб турган муҳташам бинога узок-узок тикилиб қолар экан дили

яйраб кетади. Кечаги мураккаб кунларни эса бутунлай эслагиси келмайди.

Ана шу сихатгоҳ теварағи узра кулранг окшоқ кўна бошлайди. Ҳозиргина шафақ акси ол байроқдай хилпираб турган жойда тўлин ой жамол кўрсатади. Борлиқ заррин нурга бурканади яна. Қуешнинг ерқин жилоси улугвор қир-адирлар қучоғидаги бу гўзал водийга ярашганидек маъшуқа табассуми сингари мулойимлик бахш этувчи ойнинг майин жилваси ҳам бу ерлар тунига шунчалик ярашади. Кундузи билан хонама-хона юриб, турли муолажалар олган, ўз хонаи истиқоматларида мизғишиб, вужудларида андак тетиклик сезган беморлар катта шинам зал сари кино тамошасига ошиқадилар, ёхуд юмшоқ курсиларга чўкиб, хаваскорлар концертини тинглайдилар. Айримлар улкан биллиард теварағида гирдиқалапак. Базилар эса китоб мутуоаларга берилишади. Қолганлари ором уйқусига чўмаётган тун сокинлигига ҳалал бермаслик боис маҳфил нималарнидир бир-бирларига изҳор қилаётгандай ўзаро шивирлашиб сайр қилишади. Дилларига нималарнидир қуйишади. Ҳаётдаги энг яхши дамларини эслашади, кўкрак кафасини тўлдириб мириқиб соф ҳаво смирайшади. Қўйиб берилса, эрталабгача ҳам шу юрши, шу сайрдан зеркиш нима билишмайди улар. Бирок, ҳар жойининг қонун қондаси бўлгани каби бу ерда ҳам ўзига хос тартиб-интизом қатъий. Муддатиди хона-хоналарга кириб, хордик чиқариб, муддатиди туришлари керак.

Тонг билан яна янги кунни кутиб олишади. Янги машғулотлар, янги муолажалар бошланади. Атрофда эса кишига роҳат бахш этувчи манзаралар ранг-баранг товланиб кўзни ола бошлайди. Кўнгилининг чоғ қилади. Бир умр яшаб, ватаниннг шундай хусндор чекка-чеккаларини кўрмай дунедан ўтиб кетавериши ҳам мумкинлигини ўйлаб кўйсан ичингда. Яна қайта-қайта бу ерларга келиб, хордик чиқариб, атроф-теварақ гўзалликларига тўйиб кетишни юрагингга туясан. Ҳар кимсага ҳам шундай инъому-эҳсон насиб этилиши тилайсан, яхши ниятлар қилсан...

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Фалсафа фанлари доктори, профессор Абдулхафиз Жалоловнинг "Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура" (Тошкент, "Ўзбекистон" нашрияти 1994 йил) китобида мустақил Ватанимиз истиқлолини таъминлашда маънавият ва мафкуранинг ўрни ҳамда аҳамияти Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг кўп қиррали фаолияти, унинг олдида турган вазифалари орқали очиб берилган. Бор-йўли ўн битта илмий-сиёсий мақолаларни ўзида жамлаган китоб кўлингизга тушиши билан ўқимишлилиги ва тилининг жонлилиги, баён этиш услубининг соддалиги билан кишини ўз домига тортиб кетади.

"Эркинлик-умуминсоний кадрият", "Маънавият-инсоний фазилат" еки "Мустақиллик фидокорона меҳнат ва руҳ матонати" каби мақолаларда фалсафасуф олим дўстимиз китобхонни Ватанимиз салоҳияти — мустақиллик, унинг маънавий бойлиги — миллий истиқлол мафкураси эканлигига ишонтира олади. Миллий истиқлол мафкураси давлат мақомини олиши мумкинми еки бирор сиёсий ижтимоий партиянинг дастур-фаолиятига тегишли бўладими, — деган мураккаб саволга муаллиф шундай жавоб беради. "Миллий истиқлол мафкураси — ҳозирги босқичда мамлакатимиз ривожланишининг моҳиятини ифода этувчи бош мавзу. Аммо, бу сира ягона мафкура, унинг ягона кўриниши дегани эмас. Миллий истиқлол истиқболларини ҳар хил сиёсий кучлар ўзларича тасаввур этишлари, фахмлашлари мумкин. Конституциямизда езиб кўйилганидек, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайдилар. Ўзларининг сайлаб кўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари. Демак, қайси партия сайлов орқали ҳокимият тепасига келса, шу партиянинг мафкураси жамиятнинг бош, етакчи мафкураси бўлади".

Дарҳақиқат Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг раиси Исмоил Каримов мамлакатимиз Президентлигига халқ томонидан сайлаб кўйилди. Республика Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловларга ҳам Ўзбекистон ХДПнинг обрў-эътибори ва таъсири зарурдир. Бу партиянинг мафкураси халқнинг онгида Келажак буюк давлатни вужудга келтирадиган дунёқарашни шакллантиради.

Китобни ўқиган киши мақолаларнинг бир-бирига боғлиқлигини, бири иккинчисини тўлдириб боришини ҳис қилади. Китобда Ўзбекистон давлатининг мустақиллиги, маънавий мафкура мантиқан ифода қилинади.

Мен китобни синчковлик билан бир қамтар тақризчи сифатида ўқиб кўйидаги хулосаларга келдим.

Биринчидан, бу китоб том маънода фалсафий-сиёсий мусохабалар ва мақолалар (яни шаклда талқин қилинган) тўпламидир. Муаллифнинг унда жасорат ила ёзган ва айтган далил фикр-мулоҳазаларини китоб мазмун-мундарижасига қараб маънавийтимиз ходисаси деб айтмоқчиман.

Иккинчидан, муаллиф олим сифатида фаннома орқали маънавий меросимизга мурожаат қилиб, миллий кадриятларимиз сир-асрорларини чуқур ва теран билган ҳолда истиқлолимизнинг маданий-маънавий таг-заминини тарихий-илмий хулосалар орқали ифода қилади. Ҳар бир мақола бутун бир тугалланган ҳолда илмий-асосланган асар сифатида бир-бирини мантиқан тўлдириб боради.

Учинчидан муаллиф Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ишлаш чоғида одамлар орасида кўпроқ бўлиб, мустақиллик мафкурасининг халқимизга таъсирини ўрганди. Уни ижодий ривожлантириб, халқимиз онгида миллий истиқлол мафкураси чуқур идлий отишига ўз хиссасини қўшди. Китоб муаллифининг яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиблигига сайланишини партия аъзоларининг тўпламга берган муносиб баҳоси деб тушуноқ керак.

Карим НОРМАТОВ,
Тарих фанлари доктори,
профессор.



МУНОСИБ ҲИССА

ШУ ЙИЛНИНГ бошида Фаргона водийсида яна бир улкан қурилиш — "Учқўргон-Наманган сув иншооти" қурилиши бошлаб юборилган эди. Бу иншоот ишга туширилгач, Наманган шаҳри Чортоғ ва Уйчи тумани аҳолисининг ярмидан кўпрогини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятига эга бўлинади. Қурувчилар иншоотни 1995 йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топшириш учун зўр бериб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир барча ишчи кучлар

иншоотга сафарбар қилиниб, қурилиш қизгин давом эттирилмоқда. Бу ерда Норин дарёсидан кунига 125 минг куб метр сув олиниб олтита тиндиргич ва тозалагич ёрдамида тозаланаяди. Айни вақтда бу ерда 5 та қурилиш трестининг 2-минг нафар ишчиси жавлон урмоқда. Ишчиларнинг яхши меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар баҳоли қудрат яратилган. Қурилиш битгач республикамиз Президентининг аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳақидаги

Фармонининг бажарилишига яна бир муҳим ҳисса қўшилган бўлади.

Суратларда: (ўнгда) сув тиндиргич шохобчаси қурилишида ва 1-қурилиш монтаж бошқармаси бош инженери У. Садриддинов ва вилоят оқава сув бошқармаси бош инженери Павел Холоденцев бажариладиган ишларни муҳокама қилмоқдалар.

Т. МАҲКАМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Шу куни белгиланган вақтда дехқонлар, чорвадорлар Абдумутал Шерматовнинг чет эл таассуротига қизиққан барча ишбилармонлар ҳокимият мажлислар залини тўлдирди. Ушбу учрашувдан кўпчиликни ишлаб чиқаришга чет эл тажрибасини жорий қилишга қизиқиши ортганлиги намоён бўлди. Шу боис биз ҳам йиғилишдан сўнг туман ҳокими билан суҳбатлашдик.

— Абдумутал Шерматович, ўзингиз учрашган франциялик фермернинг ҳаёти, даромад манбаи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Франциянинг Нормандия ўлкасида бўлиб уч нафар фермерни иш тажрибасини ўргандик. Улар орасида Дернарь исми фермер билан бўлган учрашув менда катта таассурот қолдирди. У чорвачилик ва дехқончилик билан шугулланаркан. Экинзордаги қалин дарахтлар ўртасида икки қаватли уй жойлашганди. Дернарь оиласи билан шу ерда яшаб меҳнат қилади. Унинг 300 гектар ери бор. Бу майдонда Дернарь рафиқаси ва ўгли билан бирга ишлайди. Майдонга қанд лавлага, силос ва дон учун макка экилган. Кунжут етиштирилиб, уругидан ёг тайёрлайди. Ҳар гектар майдондаги қанд лавлагидан 700 — 750 центнердан, бугдойдан 100 центнердан ҳосил олинади. Учта одам 300 гектар майдондаги экинлар парваришига қандай улгуриши ҳақида сўрадик. У бўлса ижарага яна 300 гектар ер олишини, 2 та одам еллаш ҳисобига 600 гектар майдонда дехқончилик қилиш мўлжали борлигини айтди. Йиллик даромадини сир тутди. Етарли деган жавоб билан қияланди.

Дернарь 70 бошдан зиёд сигир боқиладиган фермага эга. Ўгли ҳар бош сигирдан 18—20 литрдан сут соғиб олади. Бизда кам сонли бир оила шунча ишни бажаришига қанақа қилиб улгуради, — деган фикр пайдо бўла бошлаганди. У буни ҳис қилиб, ҳар бир юмуш бажарилиш жараёнини таништира бошлади. Кенг, еруг молхона томорқа билан туташиб кетган. Сигирлар мослаштирилган 2 метр жойда турарди.


Сигир соғиладиган хона ҳар биримизни диққат-эътиборимизни тортди. Пол ва деворларига кафеллар епиштирилганди. Бу билан хонанинг санитария-гигиена ҳолати талаблар даражасида бўлиши ҳисобга олинганди. Махсус кран буралса сигирлар елини иссиқ сув билан ювилади. Шундан сўнг ўгли сигирларни аппаратлар ёрдамида соға бошлайди. Трубалар орқали сут вақтинча сақланадиган музлатгич мосламага тушади. Мосламадаги сут 3,5 даража совитилган ҳолатда уч кун сақланади. Шу муддатда сут ачиб қолса, шартнома тузилган завод айниган маҳсулотни олишдан бош тортади. Шу боисдан фермер сутни бир маромдаги температурада сақланишини таъминлаб маҳсулот бузилишининг олдини олади. Завод эса сут миқдорини кўпайтириб олиш билан маблагни тежашга эришади. Завод ходими сутга ҳужжатлар расмийлаштириш чоғида фермерни уйда бўлиши шарт эмас. Завод ходимида сут сақланадиган хонанинг қалити бор. Ўзи маҳсулотнинг ёғлилик даражаси ва бошқа кўрсаткичларни езиб, белгиланган жойга қўйиб кетаверади. Уч кундан сўнг эса фермер ҳисобига пул келиб тушади.

— Франциялик фермер фаолиятини ўзимиздаги иш услуби билан солиштириб қандай фикрга келдингиз...

— Дернарнинг амалга ошираётган ишларини кўриш жараёнида кўз олдимга жамоа хўжалиқларининг фермаларидаги ҳолат, энди иш бошлаган фермерларнинг ташвишлари келди. Қисқаслаш натижасида битта фикрга кела бошладим. Хусусий мулк ўз устунлигини кўрсатаётганди. Сут соғиш аппаратининг ишламай қолиш онлари бўлиб туради. Бу вақтда ҳеч ким ёрдамга қақирмайди. Ўгли барча қисмларни қисқа муддатда таъмирлай олади.

Далага чиқиб экин майдонларини шудгорлайдиган ва ўсимликларни қатор ораларига ишлов берадиган 280 от кучига эга бўлган трактор билан танишдик. Тракторга 17 тадан 25 тагача кўшимча агрегатларни ўрнатиб, фойдаланиб бўлингач, навбатдаги ишни бажарадиган мосламаларга қийинчиликсиз алмаштирилади. Бизни фермерларда ҳам шунанга трактор бўлса, республикамизда амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳот кўлами кенгайишига муносиб ҳисса бўлиб қўшиларди. Ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиш муддати тезлашарди.

Биз намуна оладиган иккинчи техника икки ярусли омок эди. Бу омокнинг тепа ва паст қисмига лемехлар ўрнатилганди. Шудгорланаётган майдоннинг икки чеккасида махсус мослама



ёрдамида айланиб, лемехлар ўрин алмашарди. Бу билан ерни бир текис ва сифатли ҳайдалишига эришилди. Фақат фермерлар эмас, жамоа хўжалиқларимиз ҳам шундай омонга эга бўлишса, фойдадан холи бўлмасди.

— Фермерлар билан хом-ашёни қайта ишловчи корхоналар раҳбарлари ўртасидаги алоқа ҳусусида тўхталсангиз.

— Улар ўртасида бугдой, қанд лавлага, кунжутни топшириш муддати ва миқдори ҳақида шартнома тузилади. Бу шартномани бажариш жараёнига қойил қолиб, етиштирилган маҳсулотларни қабул пунктларига етказиб беришда қўлласак бўлади. Фикримни мисоллар ёрдамида тушунтирмоқчиман.

Дернарь заводга уч минг тонна қанд лавлагини етказиб бериш ҳақида шартнома имзолайди. Ҳосилни йиғиштириб олиш пайти келганда заводнинг вакили келиб ёки кўнгирак қилиб, 20 тонна лавлагини тайёрлаш ҳақида фермерни хабардор қилади. Бордию, фермер белгиланган вақтда узаро келишилган тоннани тайёрлай олмаса жарима белгиланади.

Келгуси ҳафтанинг маълум кунига яна лавлага тайёрлаш ҳақида топшириқ беради. Бунда келадиган машиналарни юк кўтариш қуввати ҳисобга олинади. Мисол учун машина 6 тонна юк кўтарадиган бўлса, унга 5 тонна лавлага ортилмайди. Чунки бир тонна лавлагини кам олиб бориш, заводга зарар келтиради. Машинадан фойдаланиш даражаси пасаяди. Бордию фермер шартномадаги уч минг тоннани бажаролмаса, 2500 тонна бўлиб қолса, қолган 500 тонна келгуси йилга фермерга қўшимча режа қилиб берилади. Олинган жами лавлагига паст нархда ҳақ тўланади. Бунда зарарсиз ишлаш кўзда ту-

тилган. Бордию, қанд лавлага шартномада белгиланганидан кўп етиштирилса, ортиқча маҳсулотни завод олмайди. Бу маҳсулот учун фермер бошқа харидор излайди. Еки завод билан қўшимча шартнома имзолайди.

Бундан бошқа учта фермерни иш фаолияти билан танишдик. Уларда ҳам шу зайлда иш ташкил қилинганлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Франциянинг саноат корхоналарида ҳам бўлдиларингизми?

Францияда ўн кун давомида шакар, спирт, енгил машина ишлаб чиқарадиган "Пежо" заводида, "Бунк" қурилиш фирмасида, бўлдик Колесь шаҳридаги ип йиғирадиган тўқимачилик комбинатини иши билан ҳам танишдик. Бу корхоналарда ҳам ишчилар малакаси юқори эди.

Бизни кутиб олиш ва кузатиш юксак даражада ташкил қилинган мамлакатимиз президенти юритаётган ташқи сиёсат самараси-Мустақил Республикаимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туйғуси эди. Бунга биз Францияга борган 44 нафар ҳокимлар ишонч ҳосил қилдик. Самолётда французлар ҳаёти билан халқимиз турмушини солиштирдим. Қишлоқда яшаётганларнинг ҳаёти, меҳнати кўз олдимга келди.

Болаларимизга февраль ойида ҳам янги узилган қулупнай, қовун-тарвуз ейиш насиб этиши, дастурхонимиз тўқин-сочин бўлиши ўзимизга боғлиқ эканлигини ҳис этдим. Бу албатта халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун президентимиз чиқараётган фармонларнинг бажарилишига боғлиқдир. Ҳозирда иқтисодий ислоҳот борасидаги қарорларни амалга ошириш учун туманда 207 та фермер хўжалиги ташкил қилинди. 87 та фермерга 763 гектар майдон жамоа хўжалиқлари тасарруфидан чиқариб берилди. 1000 гектар ер ижара учун ажратилди. Дехқончилик билан 162 нафар, чорвачиликда 45 нафар фермер шугулланмоқда. Улар билан туман дехқончилик-саноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Абдуқаҳҳор Абдужалилов ҳамкорлигида тез-тез учрашиб тураман.

Суҳбатларда хўжалиқлардаги қасаба уюшмаларининг раислари ва фаоллари қатнашишади. Фермерлар олдидаги муаммоларни биргаликда ҳал қиламиз. Одатда, бу учрашуларда ҳақиқий фермер бўлмоқчи бўлсангиз, далани ўртасига турар-жой қулинг. Қишда ҳам ерни ҳосил беришига эришинг. Она заминимиз имкониятидан фойдаланиб, йил давомида икки-уч марта ҳосил олиш тардудини кўриш керак деб ҳисоблайман. Олисдаги фермерлар турмуш тарзи шуни тақазо қилади.

Суҳбатдош: Саидзим ШАРОФҲОНОВ,
Пискент тумани.

НОЯБРЬ

Душанба, 7

ЎзТВ I
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
 18.10 "Турон тулпорлари". Мамажон Исмоилов хотирасига бағишланган кўрсатуви.
 18.30 "Кўнгил меҳрага ташна".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.20 Ёлонлар.
 19.25 Шеърли дақиқалар.
 19.40 Хотам Шерқўзиёв куйлайди.
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.55 Ёлонлар.
 21.00 Чўлпон. "Ёркиной". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
 22.40 "Ўзбекистон" ахбороти.
 23.05 — 00.35 "Барҳаёт наволар". Ўзбекистон халқ ҳофизы Маммурижон Узоқов.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
 18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".
 19.00 "Деҳқон ҳиммати".
 19.30 "Тошкентнома".
 20.15 — 22.25 "Кўғирчоқ". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
 19.40 "Мультикарусель".
 19.50 "Қиш кутиб турмайди".
ОМАД таништиради:
 20.20 "Совға".
 20.50 "4/8". Мусиқий кўрсатуви.
 21.10 Ёлонлар.
 21.15 Видео — "О".
 22.55 Ёлонлар.
 23.00 "Курьер".
 23.20 — ... Яна об-ҳаво ҳақида".
 23.25 — 23.35 "Постфактум".

ЎзТВ IV

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
 18.15 "Таваккал қилиб, галаба қозониш". Телеуйин.
 19.45 "Рус театрининг шов-шуву". М. Захаров. "Телба кун ёки Фигаронинг уйланиши".
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгилар.
 21.40 "Шунақасига яшаса бўлади". М. Задорновнинг ҳажвий кўрсатуви.
 22.30 — 23.50 Михаил Евдокимов "Бизнесмен Фома ҳақида" комедиясида.

Сешанба, 8

ЎзТВ I
 7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
 9.00 Болалар учун фильм. "Экватор" кемасининг пассажири".
 10.20 Немис тили.
 10.40 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
 11.40 — 13.40 "Болалигим — подшолигим". "Кичкинтой" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
 18.10 "Кўғирчоқлар — менинг дўстларим".
 18.35 "Мувоzanат".
 18.50 Спорт хабарномаси.
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.20 Ёлонлар.
 19.25 "Мулоҳаза". Опера санъати ҳақида.
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.55 Ёлонлар.
 21.00 "Кино, кино, кино".
 21.50 "Ракеталар учмаслиги керак". Бадий фильм.
 23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
 18.30 "Мультифейерверк".
 19.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
 19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
 20.00 "Видеогид".
 20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
 21.00 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
 19.40 "Мультикарусель".
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 19.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
 20.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
 21.05 Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида.
 21.35 "Қалбим кўри".
 22.10 "Би-Би-Си" янгиларлари.
 22.25 "Подним".
 22.40 "Мусиқий саёҳат".
 23.05 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ
 6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Кўҳна майдон сирин".
 18.30 "СБ" жумбоғи".
 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Л. Ландау.
 18.50 Янгилар.
 19.00 "Тигиз пайт".
 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
 19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгилар.
 21.40 "Илк манбадан".

21.50 1994 йил кўшиқлари.
 22.35 — 23.05 "Гол".

Чоршанба, 9

ЎзТВ I
 7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Одам — амфибия". Бадий фильм.
 10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
 11.00 Дил тароналари.
 11.40 — 14.10 "Ёшлик" видеоканали.
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
 18.10 "Барака мезони".
 18.20 "Яшил бойлигимиз".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.20 Ёлонлар.
 19.25 "Ёшлигим, тарк этма мени!". Жаҳон ёшлари кунига.
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.55 Ёлонлар.
 21.00 "Алломиш авлодлари". XII Осиё ўйинлари қаҳрамонларига бағишланган кеча ("Туркистон" саройидан ёзиб олинган).
 22.30 "Ғаройиб бола". Бадий фильм.
 24.00 — 00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
 18.30 "Иқтисодий мустақиллик йўлида".
 19.10 "Бедунлар".
 19.40 "Тақдим".
 20.00 "Балерина Насиба Алимова". Телефильм.
 20.30 "Тошкент оқшомлари".
 21.30 — 22.55 "Сир очилди". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
 19.40 "Мультикарусель".
 19.50 Телефильм.
 20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
 20.50 — 23.50 "ОМАД" таништиради: "ҚИТЪА СПОРТИ":
 — халқаро мусобақалардан репортажлар;
 — Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари ҳақида суҳбатлар;
 — спорт ҳақида ҳикоялар;
 — ахборот ва ёлонлар.

ЎзТВ IV

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
 6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
 18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Д. Вертов.
 18.50 Янгилар.
 19.00 "Тигиз пайт".
 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
 19.55 "Икки кун ва бутун умр". Телефильм премьераси.
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгилар.
 21.40 "Монолог".
 21.50 — 23.20 Бадий фильм.

Пайшанба, 10

ЎзТВ I
 7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Болалар учун фильм. "Шаҳар чеккасида".
 10.20 "Ота-ўғиллар". Телефильм.
 10.50 Ўзбек тилини ўрганамиз.
 11.20 "Ғазалхон ёшлигим".
 12.00 "Мақтабимиз — фахримиз".
 12.30 — 13.00 Концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
 18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъзо".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.20 Ёлонлар.
 19.25 Ўзбекистон. Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Болаликнинг сеҳрли олами".
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.55 Ёлонлар.
 21.00 "Эп тинчлиги йўлида". Милиция кунига бағишланган кўрсатуви ва концерт.
 22.30 "ГАИ инспектори". Бадий фильм.
 23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
 18.30 "Омад" тақвими.
 18.35 "Жозиба".
 18.55 "Бир шингил хангома".
 19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
 19.25 Видео янгиларлари.
 19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
 20.30 — 22.30 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
 19.40 "Мультикарусель".
 19.50 Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички кўшнлар бошқармаси намуналик-кўргазмалли оркестрининг концерти.
 20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 21.10 — 22.10 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ
 6.30 — 9.00 "Тонг".
 18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
 18.30 "Миннатюра".
 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Э. Хонеккер.

18.50 Янгилар.
 19.00 "Тигиз пайт".
 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
 20.00 "Грэм Грин". Г. Боровикнинг муаллифлик кўрсатуви.
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгилар.
 21.45 "Москва — Кремль".
 22.05 — 22.55 "Ягона дубль".

Жума, 11

ЎзТВ I
 7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Болалар учун фильм. "Сеҳрли орол".
 10.05 "Дони Зокиров". Телефильм.
 10.35 Немис тили.
 10.55 "Жонимга дармоним отам". Мусиқий композиция.
 11.25 Ўсмилар учун. "Умид учкунлари".
 12.10 "Сайрам қадамжоларида".
 12.50 "Ёшлар ва замон".
 13.50 — 14.20 "Хиросима-94". Спорт кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
 18.10 "Бозор иқтисодини сабоқлари".
 18.25 "Ҳазинамиз таянчи".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.20 Ёлонлар.
 19.25 "Тижорат ва ҳалоллик".
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.55 Ёлонлар.
 21.00 "Орт ишқиде ёниб яшайман". Нормурод Нарзуллаев ижодига бағишланган "Назм ва наво" кечаси.
 21.50 "Суюнчи". Бадий фильм.
 23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
 18.30 "Билиб кўйган яши".
 18.55 "Фароғат опа". Телефильм.
 19.25 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".
 19.55 "Мўъжизалар оламида".
 20.35 — 21.45 "Ўзгалар бахти". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
 19.40 "Мультикарусель".
 19.50 "Тотулик".
 20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
ОМАД таништиради:
 21.10 "Эм-Ти-Ви" дан мусиқалар.
 21.35 Ёлонлар.
 21.40 "Даракчи".
 21.50 "Салом, ёшлар!".
 22.30 Ёлонлар.
 22.35 — 00.15 Видео — "О".
ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ
 6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
 18.30 "Россия тароналари". Сергей Дружинин куйлайди (Екатеринбург).
 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. П. Карден.
 18.50 Янгилар.
 19.00 "Бомонд".
 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
 19.50 "Мўъжизалар майдони".
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгилар.
 21.40 "Ҳафтанинг машҳур киши".
 22.00 — 23.00 "Детективлар клуби" да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 10-серия.

Шанба, 12

ЎзТВ I
 7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Болалар учун фильм. "Тайга сирин".
 10.20 "Шоҳруҳ клуби".
 10.50 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
 11.05 "Ёшлик" студияси. "Талабалар сахнасида".
 12.05 "Янги китоблар".
 12.35 "Қўшиқ рақсга уланса". Мусиқий кўрсатуви.
 13.05 "Қирқ хунар ҳам оз".
 13.45 — 14.35 "Улугбекка бағишлов". Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг адабий композицияси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Икки кучукнинг саргузашти". Мультифильм.
 18.10 "Сиҳат-саломатлик".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
 19.20 Ёлонлар.
 19.25 Спорт хабарномаси.
 19.30 "Истиклолнинг ойдин йўли".
 19.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова куйлайди.
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
 20.55 Ёлонлар.
 21.00 Телевизион новеллалар театри. Незмат Аминов. "Қўнғироқ".
 21.30 "Пахтазорга оқшом кўнганда...". Кўрсатуви ва концерт.
 22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
 9.00 "Мультифейерверк".
 9.45 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
 10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
 10.30 "Видеогид".
 10.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.

11.30 "Кинонигоҳ".
 13.10 "Омад" тақвими.
 13.15 "Жозиба".
 13.35 "Бир шингил хангома".
 13.45 "Муҳаббатга ошно қалблар".
 14.05 Видео янгиларлари.
 14.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
 15.10 — 16.50 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:
 18.30 Болалар учун. "Табассум".
 19.10 "Спорт-тайм". Видеоканал.
 21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 10.00 "Токиода 24 соат". Ҳужжатли фильм.
 10.30 — 11.45 "Бувимни қайтаринг". Бадий фильм (Ўзбекфильм).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
 19.40 "Мультикарусель".
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
 20.15 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
 20.50 "Дўстлик чегара билмайди".
 21.35 "Би-Би-Си" янгиларлари.
 21.50 "Давр менинг тақдиримда".
 22.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
 22.40 "Шарқ рақслари". Лорел Грей сахналаштирган Шарқ халқлари рақслари.
 23.20 — 23.35 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

ЎзТВ IV

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
 17.55 "Брей-ринг".
 18.45 "Ушангача ва ундан сўнг". Кўрсатуви В. Молчанов олиб боради.
 19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалар командаси". Телесериал. 5-серия.
 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 Янгилар.
 21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Соҳиб Баллантре". Телесериал. 2-серия.
 22.45 — 23.25 "Оба-На".

Якшанба, 13

ЎзТВ I
 7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Кулинг, дўстлар".
 10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
 10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 92—93-сериялар.
 12.00 "Аҳвол қандай, чемпион?".
 13.30 "Ижодкор портретига чизгилар". Кинокўрсатуви.
 13.00 Лирик концерт.
 13.30 Болалар театрида. Анвар Обиджон. "Қоринботир".
 14.20 — 15.00 "Хотира". Жавдат Абдулла.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Санъат гунаҳлари".
 18.30 "Ёшлик" студияси. "Қутлуг ташриф".
 18.55 Ёлонлар.
 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
 19.30 Ёлонлар.
 19.35 "Ойна жаҳонда...".
 19.55 Дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
 20.25 Ёлонлар.
 20.30 "Ҳафтанома".
 21.00 Ёлонлар.
 21.05 "Якшанба оқшомида".
 21.55 "Ижод завқи ва машаққати". Кинорежиссёр Шухрат Аббосов.
 22.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Трактор".
 23.45 — 00.15 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
 17.00 "Совға".
 17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатуви.
 17.50 "Таҳлил".
 18.00 Ёлонлар.
 18.10 Видео — "О".
 19.50 Ёлонлар.
 20.00 "Курьер".
 20.20 "Об-ҳаво ҳақида".
 20.30 "Постфактум".
 20.40 "Рок ҳақида".
 21.10 "Даракчи".
 21.20 Ёлонлар.
 21.30 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 "Дикқат, шаҳарда сеҳрлар!". Бадий фильм.
 10.55 — 11.55 "Мусиқий танишув". Сосо Павлашвили.
 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
 20.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
 21.05 "Дунё эшиги".
 21.45 "Би-Би-Си" янгиларлари.
 22.00 Чет эл эстрадаси.
 22.30 "Бу ажиб дунё".
 22.50 — 23.05 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

ЎзТВ IV

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
 17.45 Америка М. Таратута билан.
 18.10 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
 18.20 "Хунарли хор бўлмайди".
 18.25 "Баскетбол жазавази". Ҳақниқий ачина оловчилар". Мультифильмлар.
 19.20 "Бутун Россия". "Н шаҳрида".
 22.00 "КВН-94".
 22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

"Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастурдан.



ЭНГ КАТТА МАЪМУРИЙ БИНО ВА...

АРЛИНГТОНДА жойлашган (АҚШнинг Виржиния штати) Пентагоннинг биноси маъмурий иншоотлар ўртасида "чемпион" ҳисобланади. Бу бино АҚШ Мудофаа вазирлиги учун 1943 йилнинг 15 январиде куриб битказилган. Унга 83 миллион доллар сарфланган. Унинг бешала томони ташқи тарафдан 281 метрдандир.

Беш қаватли бу бинонинг умумий майдони 60,3 гектарни ташкил қилади. Бино ичидаги йўлакларнинг узунлиги 27 километр, деразалари сони 7748 та. Бу ерда 29 минг киши хизмат қилади, улар ихтиёрида 44 минг телефон бўлиб, кабелларнинг узунлиги 257 минг километр дидр. 220 телефончи ҳар кун 280 минг буюртмани бажаради. Хизматчиларни овқатлантиришга 675 киши жалб қилинган бўлиб, улар 2 та ресторан, 6 та кафетерий, 10 та барда ишлашади.

...МЕҲМОНХОНА

"ХИЛТОН" меҳмонхонаси дунёдаги энг катта меҳмонхона бўлиб, у АҚШнинг Невада штатидаги Лас-Вегасда жойлашгандир. 1974—1981 йилларда қурилган бу меҳмонхонанинг умумий майдони 25,5 гектарни ташкил қилади. Унинг 3174 та номери бўлиб, 13 та ресторани бор. Меҳмонхонада 3600 киши ишлайди. Меҳмонхона томидаги сайр қилиш майдончасининг ўзи 2,47 гектарга тенг. Москвадаги "Россия" меҳмонхонаси 3200 номерга эга бўлса ҳам, қулайликлар яратилганлиги жиҳатидан халқаро талаб

"ОВОЗИ ТОЖИК" ГАЗЕТАСИ 70 ЁШДА!

Бир авлод умрича ўтган давр ичида "Овози тожик" газетасида босилган материалларни жамласа бир кенга мўл жавон китоб бўлиб, икки тарихдош, маданияти, санъати, қадим-қадимдан мавжуд урфи-одати, бутун туриш-турмуши бир жону тандай бирига лайванд, ҳамнафас, ҳамроз халқ таъриф-тавсифини ўқиб чиқиш учун инсон умри етмаса керак. Газетанинг ижодий фаолияти йилдан-йилга янги-янги шакл топиб, мазмунан бойиб, энг яхши анъаналар, умуминсоний фазилатларни тарғиб қилиш билан бирга қанча-қанча ёш авлодни тарбиялаб, ижодий камол топтиргани, истеъдодли қалам аҳлини етказиб бериш билан бесаноқ газетхонлар хурматига сазовор бўлганлигига гувоҳмиз. Ҳозирда ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилиш билан ўзбек ва тожик халқларининг азалий ва абадий иноклик, иттифоқлигини куйлаш, қадрлаш, халқаро маданий ва маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлашга шунчалар сезиларли ҳисса қўшмоқдаки, бу олий хислатлар алоҳида таърифга лойиқдир.

Газетанинг қутлуг ёши муборак бўлсин! Етмиш ёш бизнинг давримизда қирчиллама йигит ёши билан тенг. Иншооллоҳ, газетанинг умри боқий, ҳали юз, беш юз, етти ёз йиллик ёшини ҳам тантанали тўю-томоша билан нишонлашни тилаймиз!

МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

Ал-Фарғоний номидаги вилоят кутубхонасида кўнглик расом Раҳмонжон Мирзаевнинг "Тасвирларда мозий садоси" мавзундаги асарлари кўргазмаси намойиш этиляпти. Асарларнинг катта қисми водийнинг тарихий обидаларига бағишланиб, "Худоёрхон саройи", "Биби Бувайда Мақбараси", "Исфара гузар", "Аҳмад Яссавий мақбараси"... деб номланиб томошабинни мозий сари етаклайди.

Расом халқимизнинг буюк фарзандлари Амир Темир, Мирзо Улуғбек, Бобур, Машраб, Сайид Умархон, Нодирабегимлар сиймоларини ҳам, "Шоҳмардон", "Қўли Қуббон", "Ойдинбулоқ", "Чодак тонги" манзараларини ҳам ниҳоятда нозик таъб ва маҳорат билан яратган. Бу асарларда она Ватан ғурури, инсоний қадриятлар, миллий руҳ барқ уриб туради. Расом асарлари, она Ватанимиз Ўзбекистон ҳақидаги ижоди чет элларда ҳам намойиш этилиб, эхтирому эътиборга сазовор бўлган.

С. МАҲМУДОВА,
"Ишонч" муҳбири.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ХОДИМИ

Республикамизда ижтимоий-таъминот соҳасининг ташкил бўлганга 75 йил тўлмоқда. Ана шу қутлуг сана шарафига Жиззах вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси "Йилнинг энг яхши ижтимоий таъминот ходими" кўрик танловини ўтказди. Унда вилоятдаги барча туман ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари иштирок этишди.

Маълумки вилоятдаги Пахтакор тумани ижтимоий таъминот бўлими ижтимоий таъминотини ташкил этишда намунали ишлар қилаётганлиги туфайли бу ерда семинар кенгаш бўлиб ўтган эди. Ушанда пахтакорлик ижтимоий таъминотчилар ўзларининг билимдонлигини, тажрибадорлигини намойиш этишган эди.

Бугунги вилоят кўрик танловида Пахтакор тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими Мавжуда Жўмардова ғолиб чиқди. Чунки у ижтимоий таъминот масалаларида зукколик кўрсатди. Саволларга яхши жавоб берди, ўз ишига моҳир касб шайдоси эканлигини намойиш этди.

Вилоятда 1994 йилнинг энг яхши ижтимоий таъминот ходими деб топилган Мавжуда Жўмардова энди республика кўрик танловида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" муҳбири.

ҚИРҚ ХИЛ МАҲСУЛОТ

Ғиждувонда икки юз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондириш кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ички ижтимоийлардан фойдаланиластир. Кейинги икки йил давомида талайгина кишилар доимий иш билан таъминланди. Туманда хусусий корхоналар тармоғи кенгаймоқда. "ТОЖ" ишлаб чиқариш фирмаси шулардан биридир. Унинг ташкил этилганга кўп вақт бўлгани йўқ. Аҳил жамоа тинимсиз меҳнат ва изланиш туфайли қувончли натижаларга эришяпти. Корхонанинг биргина тикувчилик цехида 120 киши меҳнат қилади. Улар куч-ғайрати билан 40 хилдан зиёд кийим-кечак, кўрпа ва естиқ жилдлари, сўзана ҳамда палаклар тайёрланиб, савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Яқин келажақда тикувчилик цехини кенгайтириш, ходимлар сонини 300 кишига етказиш, бир кеча-кундузда 2,5 тонна мевани қуритадиган янги цех барпо этиш мўлжалланапти.

Н. ТОШЕВ,
"Ишонч" муҳбири.

Сурма тортиб кўзига қирмизи кўйлакни кийиб,
Уйлатиб ҳанжарини қилғони қўрбон келадир.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Тибет табобати намуналари ҳиндларнинг қадимги илмий "Аюрведа" ("Ҳаёт китоби")да таъкидланишича, эрамизгача мавжуд бўлган экан. Тибет табобати антик тарихга эга бўлишига қарамай, ўз сеҳри билан бугунги дунёвий фанларни доғда қолдириб келмоқда.

Тибет табобати инсон ва унинг хасталикларини табиат ёрдамида даволашнинг "фалсафий мажмуаси"ни яратган дейиш мумкин. Бу алкимё табобатига ўхшаб кетади. Қимматбаҳо тошлар, асл металллар, ҳайвонлар суяги, экзотик доривор ўсимликлар ҳавончада туйилиб, қозонда қайнатилган. Дори сифатида қўлланилган. Ўрта асрга оид "Жуд-Ши" китобида ёзилишича, тибет дорихонасида бу ҳақда маълумотлар бор. У ҳали-ҳали сир тутиб келинади.

Тибет табобатидаги кимёвий даволаш бетақроп санъатга ўхшаб кетади. Чунки тибетлик табиблар беморларнинг қўл томирларини ушлаб ёки тилига, кўзига, юзига разм солиб, қандай касалликка чалинганини тўғри белгилашган.

Тибетлик табиблар рақ касалини ҳам қандай даволашганлари ҳозиргача номаълум. У ҳақдаги воқеалар афсонага ўхшайди. Аммо асримиз бошларида шимолий Хитойда истиқомат қилган рус фуқароси Шундай воқеани айтиб берган: Тибетлик табиблар рақ касалига чалинган беморларнинг кўзини боғлаб, тоғдаги монастирларга олиб боришар, у ердан соппа-соғайтириб қайтишар экан. Лекин биров бемордан сизни қандай даволашди, деб сўраганларга айтиб беролмас экан. Кўпинча парҳезга риоя қилдик, қандайдир ҳақдори ичдик, ишладик, дейишар экан, холос.

Асримиз бошида бурятиялик табиб П. Бадмаев биринчилардан бўлиб "Жуд-Ши" асарини

таржима қилган. Унда шундай сатрлар бор: "Аксарият касалликлар, ҳатто рақни ҳам даволаш асабдан бошланиши керак. Бундан ташқари беморни аввало яхши овқатлантириш, шамоллашдан фориғ этиш лозим". Касалликларнинг келиб чиқиши уч нарсага боғлиқ бўлар экан: ваҳима, нафрат ва жаҳолат.

Тибетлик табиблар инсон ўз-ўзидан касал бўлмайди, деб таърифлашади. Ўрта асрда битилган табобатга оид асарларда ёзилишича, касалликларнинг чорак қисмини (агар улар суранкали бўлмаса) ҳеч қандай дорисиз, парҳез овқатлар билангина даволаш мумкин экан. Табобатлар учун Шарқ халқлари муолажа усулларининг кўпгина ижобий жиҳатларини ҳам яхши ўзлаштириб олишган. Улар

ўсимликлардан тайёрланган дорилар билан даво топиш натижаларига жуда-жуда ишонишади. Тибетликлар гороскоп ёрдамида ҳам ҳар хил касалликка чалинганларни даволашган. Ҳар қандай юқумли касаллик бир ҳафтага қолмай тузатишгагина кўп вақт сарфланар экан.

Тўрт қисмдан иборат "Жуд-Ши" китобида табобатга оид жуда кўп қимматли маълумотлар баён қилинган.

Дунё концертлари айнан тибет башоратчилари тавсияси бўйича ўсимликлардан тайёрлаган доридармонлари ҳозирги кунда жуда-жуда асқотаяпти. Аммо Шарқ табиблари ХХ аср ўлати — СПИДни тезроқ даволаш йўлларини ҳамон излаш билан бандлар. Бироқ сезиларли даражадаги натижаларга эришаётганлари йўқ. "Жуд-Ши" асарини ёзилишича "бирон касаллик йўқки унинг давоси топилмаса". Демак СПИДнинг «Ишонч»нинг навбатдаги сони 19 ноябрда чиқади.

ТИБЕТ ТАБОБАТИ ҲАҚИДА**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА****ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛЛАРИ!**

"Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталарига 1995 йил учун обуна давом этмоқда.
"ИШОНЧ"НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ — 97 сўм 20 тийин (нашр кўрсаткичи 64560).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" УЧУН ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ 22 СЎМ 80 ТИЙИН
(нашр кўрсаткичи — 64564).

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН "ИШОНЧ"НИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ 177 СЎМ 60 ТИЙИН (нашр кўрсаткичи — 64561).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" УЧУН ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ 40 СЎМ 80 ТИЙИН
(нашр кўрсаткичи — 64568).

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари
Акмал АКРОМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБ ОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),

Муҳаммадҷон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТУЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБ ОЕВ
(бош муҳаррир).



Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• СОТУВДА эркин нархда.



• Шанба кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Тожибой АЛИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 69639 нусхада босилди.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компютерига терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Туроп» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-1253.